



**АГРАР СЕКТОРДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙУЛЛАРИ**

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a46

Кудратов Алишер Алижонович -
Гулистон давлат университети
таянч докторанти

Аннотация. Мақолада аграр соҳада тадбиркорликни ривожлантиришга оид давлат сиёсати таҳлил қилинганд. Аграр секторда тадбиркорлик ривожланишининг статистик қўрсаткичлари ва эксперталар томонидан амалга оширилган прогнозлар ўрганилган. Аграр соҳада тадбиркорлик ривожланишининг миллӣ ва жаҳон тенденциялари тақосланган. Илғор хориж тажриба ўрганилган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ривожланиш қолган барча соҳаларда ҳам ривожланишга олиб келиши, ривожланган давлатларда айнан қишлоқ хўжалигидаги нисбий устунлиги сабабли юқори иқтисодий ривожланиш даражаларига эришилгани аниқланди. Шу билан бирга мақолада қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш борасида баъзи таклифлар келтирилган.

Калим сўзлар: ялпи даромад, камбағалликни камайтириш, қишлоқ хўжалиги экинлари, истеъмол бозорлари, қишлоқ аҳолиси турмуши фарновонлиги.

**ПУТИ РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В АГРАРНОМ СЕКТОРЕ
И ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ УПРАВЛЕНИЯ**

Кудратов Алишер Алижонович -
докторант Гулистанский государственный университет

Аннотация. Наполнение потребительских рынков качественной сельскохозяйственной продукцией, укрепление продовольственной безопасности, повышение эффективности аграрного сектора, являющегося источником повышения благосостояния сельских жителей, имеет актуальное значение в стабилизации национальной экономики. С учетом этого в данной статье проводится анализ государственной политики по развитию предпринимательства в аграрной сфере. Изучены статистические показатели развития бизнеса в агропромышленном комплексе и прогнозы экспертов. Сопоставляются национальные и мировые тенденции развития предпринимательства в аграрном секторе. Изучается передовой зарубежный опыт. В результате проведенных исследований установлено, что экономический рост в сельском хозяйстве приводит к росту во всех других отраслях, а высокие уровни экономического роста достигнуты в развитых странах именно благодаря их относительному превосходству в сельском хозяйстве. В то же время в статье представлены некоторые предложения по повышению производительности труда в сельском хозяйстве.

Ключевые слова: валовой доход, сокращение бедности, сельскохозяйственные культуры, потребительские рынки, благосостояние села.

**WAYS TO DEVELOP ENTREPRENEURSHIP IN THE AGRICULTURAL
SECTOR AND IMPROVE MANAGEMENT EFFICIENCY**

Kudratov Alisher Alizhonovich -
Gulistan state university doctoral student

Abstracts. Filling consumer markets with high-quality agricultural products, strengthening food security, improving the efficiency of the agricultural sector, which is a source of increasing the well-being of rural residents, is of urgent importance in stabilizing the national economy. Taking this into account, this article analyzes the state policy for the development of entrepreneurship in the agricultural sector. Statistical indicators of business development in the agricultural sector and forecasts made by experts were studied. National and global trends of entrepreneurship development in the agricultural sector are compared. Advanced foreign experiences are studied. As a result of the conducted research, it was found that economic growth in agriculture leads to growth in all other sectors, and high levels of economic growth have been achieved in developed countries precisely because of their relative superiority in agriculture. At the same time, the article presents some suggestions on how to increase productivity in agriculture.

Key words: gross income, poverty reduction, agricultural crops, consumer markets, rural welfare.

Кириш. Қишлоқ хўжалиги ижтимоий-иктисодий аҳамиятга эга бўлиб, унда кишиларнинг турмуш фаолияти ва ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришнинг асоси бўлган истеъмол маҳсулотлари ҳамда бошқа тармоқлар учун хомашё ишлаб чиқарилади. Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши мамлакатнинг иктиносидий хавфсизлигига таъсир этади.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иктисиётини рақамлаштириш шароитида давлатнинг энг асосий вазифалари ижтимоий-иктисодий муаммолар ечимини топиш, мавжуд давлат дастурлари ижросини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ҳисобланади. Мазкур устувор вазифаларни амалга оширишда аҳолини иш билан таъминлашнинг самарали ижтимоий-иктисодий ва ташкилий-хуқуқий механизмларини татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса айниқса, қишлоқ жойлардаги ишсизлик, норасмий иш билан бандлик ва камбағаллик даражасини камайтиришга бевосита ижобий таъсир кўрсатади.

Бандлик, ишсизлик, инфляция, меҳнат бозори муаммолари ва уларни ривожланган бозор иктисиёти шароитларида математик-статистик аппарат асосида фундаментал тадқиқ этишга хорижий ва маҳаллий етакчи иктисадчи олимларнинг қатор илмий ишлари бағишлиланган. Бу тадқиқотлар бозорга йўналтирилган иктисиёти ривожланган мамлакатларда меҳнат бозори умумий муаммолари ва уларни истиқболлаштиришни ўрганиш учун назарий асос сифатида хизмат қилмоқда. Аммо бу ишларда аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳамда уларни стратегик йўналишларни истиқболлаштириш жараёнини айрим томонлари тадқиқ қилинган, холос. Уларда Ўзбекистонда аграр тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳолининг иш билан таъминлаш муаммолари тўла ёритилмаган.

Ушбу муаммонинг ҳозирги кундаги юқори ижтимоий-иктисодий аҳамияти ва ҳали етарли даражада ўрганилмаганилиги – мазкур тадқиқот ишининг долзарблигини белгилайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Тадқиқотчи А.Г.Гранберг тадқиқотларида [1], аграр секторда тадбиркорлик фаолиятини самарали ташкил этиш моделини шакллантиришнинг концептуал ва иституционал асослари тақлиф этилган. Россия ФА академиги И.Г. Усачев раҳбарлигига [2] олиб борилган тадқиқотларда Россия Федерацияси ва бошқа хорижий давлатларда қишлоқ хўжалигини

барқарор ривожлантириш ва аграр сектор тармоқларини стратегик режалаштиришга ёндашув асосланган.

Шунингдек, ушбу муаллифлар ишида қишлоқ хўжалигини иктисиёти тартибга солиш йўналишлари таҳлил қилинган ҳамда унинг ривожланиш тенденцияларига ва рақобатбардошлигига баҳо берилган. Тадқиқотчи И.Ю.Гончаренко тадқиқотларида [3], аграр секторнинг инновацион фаолиятини самарали бошқариш моделини шакллантиришнинг концептуал ва иституционал асослари тақлиф этилган. А.В.Бусығин ишларида [4] эса ўз салоҳияти ўзига етарли минтақада агросаноат мажмуини ривожлантиришнинг стратегияси ишлаб чиқилган ва уни амалга оширишнинг ижтимоий-иктисодий натижалари баҳоланган.

Профессор А.М.Қодиров, и.ф.н. Р.Х.Тошматов ва бошқалар тадқиқотларида [5] аграр сектор тармоқларини ривожлантириш ва улар ишлаб чиқаришини жойлаштиришда табиий ресурслардан фойдаланишни режалаштиришнинг услубий жиҳатлари тақлиф этилган ва тармоқлар самарадорлиги манбалари асослаб берилган.

Таниқли иктисадчи олим Ш.Ш.Шодмонов фикрича [6], “Республикамиз қишлоқ хўжалигида давлат мулки ғарб мамлакатларидаги хўжалик юритишнинг айнан шу шаклига нисбатан бирмунча самаралироқдир, бу ҳолатни фақатгина давлат мулкининг кескин қисқариши харажатлар ошиши ва ижтимоий зиддиятларни келтириб чиқариши мумкинлиги билан изоҳлаб бўлмайди”.

Ўзбекистонлик иктисадчи олимлардан Р.Х.Эргашевнинг таъкидлашича [7], “фермер хўжаликлари сони ошиши уларнинг фаолияти самарадорлиги даражаси тўғрисида тўлиқ тасаввур бермайди. Фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун уларнинг ихтисослашув даражаси муҳим аҳамиятга эга”.

М.Г.Шабанов қишлоқ хўжалигидаги тадбиркор иктисиётининг бошқа соҳаларида бўлгани каби ўзининг шахсий мақсади сари, яъни максимал фойда олишга интилиши, бу мақсадга эришиш иктисиётининг аграр секторидаги ўзгаришлар ва тадбиркор ўзи учун жамият нуқтаи назаридан ҳам бузғунчи, ҳам конструктив жараёнлардан бир хил даражада яхши фойдаланиши мумкинлигини айтиб ўтган [8].

Қишлоқ хўжалиги турли хил бошқарув шакллари билан ифодаланиши мумкин. Тад-

биркорлик шакли – корхонадаги шериклар ўртасидаги ички муносабатлар, шунингдек, корхонанинг бошқа корхоналар ва давлат органлари билан муносабатларини белгилаб берувчи нормалар тизимиdir [9].

Қишлоқ хўжалиги учун навбатдаги хусусият маҳсулотларнинг тез бузиладиган хусусияти ва ишлаб чиқаришнинг маълум бир маконда концентрациясиdir. Бу эса транспорт харажатларини келтириб чиқаради, маҳсулот таннархини оширади ва сотишни қийинлаштиради. Бундай салбий оқибатларни камайтириш учун қишлоқ хўжалигига доимий равишда молиявий ресурсларни жалб қилиш керак [10].

Ф.Н.Поносов қишлоқ хўжалигига тадбиркорлик фаолияти саноат ишлаб чиқариш воситалари бозори ва уларнинг нархига жуда боғлиқлигини алоҳида таъкидлайди [11].

Юқорида келтирилган илмий ишларда иқтисодиётни эркинлаштириш даврида хусусий тадбиркорликнинг назарий асослари, мөҳияти, уни ривожлантириш хусусиятлари тадқиқ этилган. Мамлакатимизда коронавирус пандемияси ва глобал инқирознинг салбий оқибатларини юмшатиш шароитида аграр тадбиркорликни ривожлантириш, уни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмини тақомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишининг зарурлиги ушбу мавзуни танлашга асос бўлди.

Тадқиқот методологияси. Мақолада илмий абстракция, диалектик тадқиқот, индукция ва дедукция, мақсадли ривожлантириш, монографик кузатув, тизимли ва қиёсий таҳлил, график тасвиirlаш, жадвал, эксперт баҳолаш ва иқтисодий статистик усуслардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Қишлоқ хўжалик бозорлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун зарур бўлувчи омиллар, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва ишлаб чиқарувчилар манфаатларини бирлаштирадиган иқтисодий воситадир. Ҳар бир мустақил мамлакатнинг тараққиётида иқтисодий барқарорликни таъминлаш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Миллий иқтисодиётни барқарорлаштиришда истеъмол бозорларини сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириш, озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, саноатни хомашё билан таъминлаш, қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини ошириш манбаи бўлган аграр соҳанинг самардорлигини ошириш долзарб аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалиги ва унга ёндош тармоқларда амалга оширилаётган сиёsatнинг муҳим вазифаларидан бири аграр қонунчиликка таъсир кўрсатиш ҳисобланади. Аграр соҳада бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида давлат, биринчи навбатда, аграр бозордаги ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифасини қўяди. Иқтисодий фаолият бир меъёрда кетиши учун фаолият юритувчи субъектлар қонуний ҳимоя қилинган бўлиши керак. Қишлоқ хўжалигига мулкдорларнинг мулкий ҳуқуқлари даҳлсизлигини таъминлаш муҳим вазифа ҳисобланади.

Куйидагилар аграр сиёsat олдига қўйилган аниқ вазифалар ҳисобланади:

- истеъмолчиларни арzon ва сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъмин этиш;

- ялпи даромад яратиш ва миллий бойликин кўпайтиришда қишлоқ хўжалигининг фаол иштирокини таъминлаш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммаларини ҳал қилиш.

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи бўлиб, ЯИМнинг 28,5 фоизини ташкил этади. Унда қарийб 4,2 млн. киши меҳнат қиласи, бу эса мамлакатдаги умумий бандликнинг 30 %дан ортигини ташкил этади. Асосий қишлоқ хўжалиги экинлари – пахта ва ғалла, лекин 2020-2021 йилларда квоталар ва нарх назоратининг бекор қилиниши экинларни диверсификациялашга, бошқа экинлар, мева ва сабзавотларни етиширишга босқичма-босқич ўтишга ҳисса қўшмоқда. Ўзбекистон динамик ислоҳотлар ва иқтисодий ўзгаришларни амалга оширилмоқда. Барча соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалигига ҳам бугунги кун талабларидан келиб чиқсан ҳолда, соҳани интенсив ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш, диверсификациялаш борасида тизими ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг муҳим ўрни республиканинг иқтисодий муваффақиятида қишлоқ хўжалиги ислоҳотларининг муҳим аҳамиятини ҳам белгилаб беради. Шундай қилиб, Ўзбекистон пандемияга қарамасдан 2020 йилда ижобий иқтисодий ўсишни сақлаб қолган Европа ва Марказий Осиё (ЕМО) минтақасидаги уч мамлакатдан бири эди.

Прогнозларга кўра, илмий ва инновацион ғояларни жорий этиш ҳисобига мева, сабзавот, картошка, дуккакли ва ёғли экинлар, 16 % гўшт, 13 % сут, 27 % тухум, 2 марта

балиқ, 30 % асал ишлаб чиқариш ҳажми ҳар йили 6-8 % га ошади. Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш даражаси 15 %гача, гўшт 9 дан 15 %гача, сут 14 дан 18 %гача кўтарилади.

Биз Европа Иттифоқи, ЖБ, ФАО, шуннингдек бошқа халқаро ташкилот ва эксперслар кўмагида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган 10 йиллик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси доирасида ҳаракат қиласиз. «2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси» га мувофиқ тўқказ йўналиш устувор ҳисобланади.

1. Аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлиги ни таъминлаш. Қисқа муддатда Ўзбекистонда «тўйиб овқатланмаслик индекси» 15 % дан 2,4 %га тушиб, минтақадаги энг яхши натижалардан бирига айланди.

2. Агробизнес мұхитини яхшилаш ва қиймат занжирларини яратиш.

3. Саноатда давлат иштирокини қисқартириш ва инвестицион мұхитни яхшилаш.

4. Оқылона экологик сиёсат юритиш.

5. Давлат бошқарувини замонавий тизимини ривожлантириш.

6. Секторни қўллаб-қувватлаш учун давлат харажатларини диверсификация қилиш.

7. Аграр фани, таълим, ахборот-консалтинг хизмати тизимини ривожлантириш.

8. Қишлоқ худудларини ривожлантириш.

9. Саноат статистикасининг шаффоф тизимини ишлаб чиқиши [12].

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденцияси шундан гувоҳлик берадики, кишилик жамиятининг барча соҳа ва жабҳалирида, айниқса глобал иқлим ўзгариши таъсирида сайёрамизнинг кўплаб минтақаларида тобора авж олаётган қашшоқлик ва очарчиликка барҳам беришнинг асосий омилларидан бири сифатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи, шуннингдек, уларга турли йўналишларда хизмат кўрсатувчи субъектларнинг хўжалик юритиш фаолиятларини инновациялар асосида ташкил этиш стратегик аҳамият касб этиб, ушбу жараённи узлуксиз такомиллаштириш давр талабига айланиси бормоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳасининг тараққиёти иқтисодиётининг ривожланишида мұхим ўрин эгаллайди. Хитой, Ҳиндистон, Бразилия, Чили ва Вьетнамдаги иқтисодий ўсишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигининг жадал ўсиши билан боғлиқ бўлгани ҳолда, айрим Африка мамлакатлари-

нинг ривожланишдан ортда қолиши, мазкур мамлакатларнинг қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигининг етарли даражада таъминлай олмаётганларни билан изоҳланади

Бу, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги секторининг бандлик ва ЯИМда улуши юқори бўлган иқтисодий ривожланишнинг дастлабки босқичларида иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳаларини ривожлантиришда қишлоқ хўжалигининг мұхим ўрин тутиши билан изоҳланади. Ушбу ҳолатда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш омилларини (хомашё, меҳнат, капитал жамғариш, хорижий валютани жалб қилиш) таклиф этиш орқали иқтисодиётнинг бошқа соҳалари ривожланишига ёрдам беради.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг энг қадими, ҳеч қачон ўз ўрни ва аҳамиятини йўқотмайдиган таянч тармоқлардан биридир. Лекин сайёрамиздаги глобал иқлим ўзгаришлари ҳамда минтақамиздаги экологик муаммолар оқибатида қишлоқ хўжалигида ҳар йили илгари кўрилмаган янги-янги синов ва қийинчиликлар пайдо бўлаётгани ушбу аграр соҳага эътиборни янада кучайтиришни тақозо этади.

Тадқиқотлар кўрсатадики, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг 1 долларга ошиши, иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқларида ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 1 долларга ошишига олиб келади, айни пайтда иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 1 долларга ўсиши қишлоқ хўжалигида 0,18 долларлик ўсишни таъминлайди. Қишлоқ хўжалиги ўсишининг мазкур мультиплікаторлари одатда, даромади паст мамлакатларда юқори бўлиши кузатилади, чунки мазкур мамлакатларда саноат секторининг асосий улуши (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш) ва хизматлар соҳаси қишлоқ хўжалиги кўрсаткчиларига кўп жиҳатдан боғлиқ ҳисобланади.

Бошқа бир томондан, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ошиши қишлоқ хўжалигидан ташқари фаолият билан шуғулланувчи аҳолининг ортиб бораётган улушкини озиқ-овқат билан таъминлаш имконини беради, шу билан бирга шаҳар аҳолиси сони ошишига ёрдам беради. Шуннингдек, қишлоқ хўжалигида унумдорлик ошиши озиқ-овқат маҳсулотлари нархини пасайтиришга ёрдам беради, бу эса ўз навбатида, шаҳарларда номинал иш ҳақини камайтириш имконини беради.

Қишлоқ хўжалиги ва саноат ўртасидаги бевосита боғлиқликнинг мавжудлиги эвазига

қишлоқ хўжалиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини хомашё билан узлуксиз таъминлайди. Шунингдек, қишлоқ хўжалигининг молиявий сальдоси деб аталувчи, яъни қишлоқ хўжалигидан келадиган пул оқимлари иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ривожланишини қўллаб-куватлаган ҳолда, инвестиция сифатида йўналтирилиши мумкин.

Мазкур омил ўз пайтида Ҳиндистон ва Хитойда ер ислоҳоти сиёsatининг асосини ташкил қилган эди. Хусусан, Хитой ердан фойдаланувчиларга ерга эгалик ҳуқуқини бериш орқали 800 миллион қишлоқ уй хўжаликлари ўртасида саноат маҳсулотларининг ички бозорини ривожлантиришга эриша олди. Таъкидлаш лозимки, Хитой ердан фойдаланиш муносабатларини тартибга солиш орқали камбағаллик ўлчамларини кескин қисқартириш имконига эга бўлди.

Бундан ташқари, даромади паст мамлакатлар айнан қишлоқ хўжалигига тақдосланма афзалликларига эга бўлганликлари боис, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш очиқ иқтисодиётни шакллантириш шароитида устувор аҳамият касб этади. Иқтисодий ривожланиш бўйича тадқиқот олиб борувчи етакчи мутахассис олимларнинг таъкидлашича, қишлоқ хўжалиги қисқа муддатда қиёсий афзалликлар тақдим этади, агросаноат мажмуасини ривожлантириш эса узоқ муддатли истиқболда саноатлаштиришга катта йўл очиб беради. Осиё мамлакатларида қашшоқлик даражасини қисқартиришда қишлоқ хўжалиги секторини ривожлантириш муҳим асос сифатида хизмат қилганигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигига бугун талабларидан келиб чиқсан ҳолда, устуворликларни аниқлаштириш борасида муайян бир қийинчиликлар мавжуд, хусусан, бу борада қуйидаги масалаларга ойдинлик киритиш талаб этилади:

- очлик даражасини камайтириш ва аҳолининг реал даромадини ошириш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархини пасайтириш ёки фермерларни қишлоқ хўжалигига кўпроқ сармоя киритишга ундаш мақсадида мазкур нархлар ошишишни рафбатлантириш;

- бюджет маблағларидан қисқа муддатли озиқ-овқат муаммосини юмшатиш учун фойдаланиш (масалан, озиқ-овқат ёрдам дастурлари орқали) ёки мазкур маблағларни қишлоқ хўжалигига инвестиция қилиш ва

узоқ муддатли маҳсулдорлик муаммосини ҳал қилишга йўналтириш;

- ўзини-ўзи таъминлаш ҳисобига озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал қилишга катта эътибор қаратиш ёки қиёсий устунликлардан фойдаланган ҳолда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосини кенгайтириш;

- қашшоқликни камайтиришда самарали бўлган майда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ёки ҳосилдорликни ошириш ҳамда қиймат яратишнинг интеграцияшган занжирлари орқали мураккаб бозорларга чиқиши борасида самарали ҳисобланувиши йирик хўжаликларини жадал ривожлантириш.

Шу тарика, иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш борасида қишлоқ хўжалигининг мавжуд салоҳиятидан фойдаланиш, бу борада энг мақбул усул ва воисталарни танлаб олиш мамлакатимиз учун ҳам долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш бўйича фаол сиёsat олиб бормоқда. Пахта хомашёси экспортидан воз кечиши ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга катта эътибор бериш, тарқоқ хўжаликлар ўрнига кластерлар тузиш ва қишлоқ хўжалиги секторини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи ишлаб чиқаришлар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш бугунги кунда қишлоқ хўжалигига амалга оширилаётган давлат сиёsatининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Жаҳон тажрибасини ўрганиш асосида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта ижобий таъсир кўрсатувчи омиллари сира сига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Нарх орқали рағбатлантириш. Жаҳоннинг илғор тажрибаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари нарх рағбатларига таъсирчан эканлигини кўрсатади. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари “тўғри” нархларни белгилаш қишлоқ хўжалиги ривожланишини таъминловчи муҳим омиллардан бири саналади.

Қўшилган қиймат яратишнинг интеграл занжирларини ташкил этиши. Озиқ-овқат бозорлари тобора супермаркетлар каби ривожланган интеграл қиймат занжирларига айлантирилмоқда. Улар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва жараённинг бошқа манфаатдор томонларини ўзаро бирлаштиргани ҳолда, қимматли маълумотларни алмашиш, зарур бўлганда маблағ билан таъминлаш, санитария ва фитосанитария стандарт-

ларини аниқлаштириш ва уларга риоя этилишни таъминлаш, хавф-хатарларни тақсимлашни рағбатлантириш ва тадқиқот ва инновацияларни молиялаштириш имконини беради. Молиявий хизматлар, телекоммуникация, транспорт ва энергетика каби қўллаб-қувватловчи тармоқлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳам, ўз навбатида, енгил кўчади. Кўлам самараасига ва истеъмолчига етказиб берилаётган маҳсулотлар сифатининг сезиларли даражада ошишига эришилади. Бошқа бир томондан, супермаркетлар анъанавий чакана дўконларнинг йўқолишига ва кўплаб иш ўринларининг йўқолишига олиб келса-да, жараён иштирокчилари нархлар пасайишидан бирдек манфаатдор бўладилар.

Тўғри технологияларни танлаш. Ер ресурслари чекланганлиги туфайли қишлоқ хўжалигининг истиқболда тараққий этиши мазкур ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ. Бу борада технология муҳим аҳамият касб этади. Меҳнат тежовчи, ер ва сув тежовчи, хатарларни камайтирувчи, маҳсулот сифатини оширишга имкон берувчи ва экологик соф технологиялар фарқланади. Молиявий ресурслар чекланган шароитда технологияларни танлашда устуворлик ишлаб чиқариш ресурсларининг нисбий нархларига боғлиқ саналади.

Хулоса ва таклифлар. Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни таҳдил қилиш, ислоҳотлар самарадорлигини ошириш мақсадида қуидаги таклиф ва тавсияларни илгари сурамиз:

1. Камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадлари базасини кенгайтириш мақсадида йирик тадбиркорларни маҳаллаларга бириктириш амалиётидан кенг фойдаланиш талаб қилинади.

2. Аҳоли, айниқса ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунарга ўқитиш марказлари фаолиятини янада жонлантириш, ҳар битта катта маҳаллада, ёки аҳоли сони нисбатан кам бўлган иккита-учта маҳаллада бундай марказлар фаолиятини йўлга қўйиш.

3. Таълимнинг ҳар бир босқичида плагиатга қарши курашиш, жамиятда унинг ҳар қандай кўринишига муросасиз муносабатни шакллантириш.

4. Жамиятда камбағалликка сабаб бўлувчи коррупция, сифатсиз инфратузилма, кўрсатилаётган турли хил ижтимоий хизматлар сифатининг пастилиги, атроф-муҳит ва ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатувчи экологик омиллар ва шу кабиларни чуқур таҳлил қилиш асосида камбағалликка қаршиш курашиш борасида илмий асосланган дастур ва режалар ишлаб чиқиши.

5. Кичик ва ўрта шаҳарларни ривожлантириш ҳисобига қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш масалаларини ҳал этиш.

6. Ёшларни арzon уй-жойлар билан таъминлашда ипотекали кредитлаш имкониятларини янада кенгайтириш, ажратилаётган ипотека кредитларининг фоиз ставкаларини ҳудудлар кесимида қайта кўриб чиқиши.

7. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, фуқароларнинг айниқса ёшлар ўртасида тиббий маданиятни шакллантириш.

8. Ўзбекистонда аҳоли ўртасида “намоишишкорона истеъмол” даражаси ҳаддан ташқари юқори ҳисобланади. Бу, аввало, йиллаб йиғилган маблағлар эвазига серҳашам тўйлар қилиш, қимматбаҳо машиналар сотиб олиш, чиройли телефон ва автомобиль рақамларига жуда катта маблағлар сарфлаш кабиларда кўринади. Буларнинг барчаси мамлакатимиз аҳолисининг иқтисодий хулқатвори “камбағаллик фалсафаси” устига қурилганлигини кўрсатади. Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, аҳоли кенг қатламларининг иқтисодий фикрлашини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.

9. Иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари, айниқса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ўртасида кооперация алоқаларини изчил йўлга қўйиш.

10. Инсон капитали сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни изчил амалга ошириш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. – М.: ГУ ВШЭ. 2004. – С. 495.
- Гутман В.Г. и др. Управление региональной экономикой. – М.: Финансы и статистика. 2002. – С.176.
- Гончаренко И.Ю. Формирование эффективной модели управления инновационной деятельностью в аграрном секторе экономики России. Автореферат – диссер. к.э.н. – М.: Государственный университет управления, 2016.

4. Бусыгин А.В. Предпринимательство. – М., 1994. – С. 227.
5. Қодиров А.М., Тошматов Р.Х. ва б. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чикаришини рационал жойлашириш учун табиий ресурс салоҳиятини аниқлаш бўйича илмий-услубий ёндашув. Монография. – Т.: LECCON PRESS, 2017. - 229 б.
6. Шодмонов Ш.Ш., Мамарахимов Б.Э. Иқтисодиёт назарияси. – М.: Иқтисод-молия, 2016 йил. – 65 б.
7. Эргашев Р.Х., Файзиева Ш.Ш., Хамраева С.Н. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Тошкент: Иқтисодмолия, 2018. – 404 б.
8. Шабанов М.Г. Особенности и факторы развития предпринимательства в сельском хозяйстве региона // Вопросы структуризации экономики. – 2005. – № 1. – URL: <http://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-i-faktory-razvitiya-predprinimatelstva-v-selskom-hozyaystve-regiona>.
9. Васильева Н.А., Матеуш Т.А., Миронов М.Г. Экономика предприятия: Конспект лекций. – URL: <http://www.e-reading.club/book.php?book=9805>.
10. Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник / Г.А. Петранева, А.В. Мефед, М.П. Тушканов и др.; Под ред. Г.А. Петраневой. – М.: Академия, 2003. – 352 с.
11. Поносов Ф. Н. Современные философские проблемы техники и технических наук: учебное пособие. – Ижевск: ФГБОУ ВПО Ижевская ГСХА, 2013. – 262 с. – URL: http://www.izhgsha.ru/img/UserFiles/File/Electron%20izdaniya/Philosofiya/Ponosov_dict.pdf#8.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.10.2019 йилдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги фармони.